

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 671-ҳадис

79- □□□□□□□□□□□□□□□□□□

79-боб

Адолатли бошлиқнинг фазилати

Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ адолатга ва чиройли амаллар қилишга буюр» (Наҳұл сураси, 90-оят).

«(Мудом) адолат қилинглар! Зеро Аллоҳ адолат қилгувчиларни суюр»
(Хужурот сураси, 9-оят), - деб айтган.

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар:

«Етти киши борки, Аллоҳ Ўз соясидан бошқа соя бўлмайдиган кунда уларни Ўз соясига олади: одил раҳбар; Аллоҳ таолонинг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғлиқ киши; Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўрган икки киши, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб,

Унинг йўлида ажраладилар; баобру юзал аёл ўзига чорлаганда «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши; ўнг қўли қилганини чап қўли билмайдиган даражада махфий садақа қилган киши; хилватда Аллоҳни зикр қилиб, кўзидан ёш тўккан киши».

Муттафақун алаих.

Манба: hadis.islom.uz

